



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَانَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا أَنْ هَدَانَا اللَّهُ
وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِهِ سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ، أَمَّا بَعْدُ

АҚИДАДА АДАШМАЙЛИК!

Муҳтарам жамоат! Маълумки, ақида – инсон ҳаётида одоб-ахлоқ, ибодат, олди-берди алоқалари ва барча илмлардан муҳимроқ ўрин тутди. Чунки инсон Исломни қабул қилгандан сўнг, биринчи навбатда унинг зиммасига ибодатларни ўрганишдан ҳам аввал ақида илмини ўрганиш вожиб бўлади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳуни Яман аҳлига элчи қилиб юбораётганларида:

﴿فَلْيَكُنْ أَوَّلَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَى أَنْ يُوحِّدُوا اللَّهَ تَعَالَى، فَإِذَا عَرَفُوا ذَلِكَ، فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ فَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسَ

صَلَوَاتٍ﴾ (رواه الامام البخاري والامام الترمذي)

яъни: “Аввало уларни Аллоҳ таолони бир дейишга чақиринг, қачон улар Аллоҳни бир деб билишса, Аллоҳ таоло уларга беш вақт намозни фарз қилганлигини хабарини беринг”, – деганлар (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривоятлари).

Ушбу ҳадиси шариф ақидани нақадар аҳамиятли эканига далолат қилади. Чунки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Яман аҳлини намоз ўқиш ва бошқа амалларни бажаришга буюришдан аввал, уларнинг ақидасини тўғрилашга буюрдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Муҳаммад сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفِرْ لِذَنبِكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَاكُمْ﴾

яъни: “Бас, (эй, Муҳаммад!) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг! Аллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезадиган жойларингизни ҳам, (охиратда) борадиган жойларингизни ҳам билур” (19-оят).

Уламоларимиз мазкур ояти каримнинг тафсирида шундай дейдилар: “Ушбу оятда Аллоҳ таолони ёлғиз эканини билишга бўлган буйруқ истиффор айтишга бўлган буйруқдан олдин келтирилмоқда”. Бу эса Аллоҳ таолонинг ёлғизлигини билиш, яъни тўғри эътиқодни шакллантириш қанчалар аҳамиятли эканига ишорадир. Шу сабабдан ҳам Имом Шофеий раҳимаҳуллоҳ: “*Фиқҳдан олдин ақида илмига буюрилдик*”, – деганлар. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса: “*Ақидада билимдон бўлиш фиқҳий аҳкомларда билимдон бўлишдан афзалроқдир*”, – деганлар.

Мухтарам азизлар! Энг аввало, қалбда ақида асослари ўрнашмас экан, шариат аҳкомларини бажаришдан фойда бўлмайди. Зеро, улуғ машойихларимиздан Сўфи Оллоёр айтганларидек:

“Ақида билмаган шайтона элдир,
Агар минг йил амал деб қилса – елдир”.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳнинг йўналишларига кўра **имон бу – тил билан иқроп бўлиш ва қалб ила тасдиқлаш**дир. Қуйидагиларга имон келтириш вожиб: 1. Аллоҳ таолога; 2. Унинг фаришталарига; 3. Китобларига; 4. Набийларига; 5. Охират кунига; 6. Қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таолодан эканига; 7. Ўлгандан кейин қайта тирилиш бор эканига.

Мухтарам жамоат! Турли ижтимоий сўровномалардан ҳозирги айрим ёшларимизнинг ақидавий билими ўта саёз экани маълум бўлиб қолмоқда. Имон-этикод, ўтган пайғамбарлар ва нозил қилинган илоҳий китоблар ҳақидаги оддий саволларга кўпчилик ёшлар жавоб бера олмаётгани жуда ачинарли ҳолдир. Аслида бу бир пайтлар ажодлари бутун дунёга аҳли сунна ақидасини таълим берган халқнинг бугунги кундаги авлодларига ярашмайди. Ваҳоланки, буларни билишлик ва ҳақ дея этикод қилишлик – ҳар бир мусулмонман деган кишининг зиммасида фарзи аиндир. Бу нарса барча ота-оналарни ташвишга солиши керак. Зеро, фарзандларимизнинг имон-этикоди борасида Охиратда – Аллоҳ таолонинг хузурида масъулмиз! Аллоҳ таоло ҳар бир мўминга хитоб қилиб, шундай буюрган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقْوُودَهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَا

يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар)” (Таҳрим сураси б-оят).

Киши ўзини ва оила аъзоларини дўзахдан сақлаши – энг аввало соғлом ва мустаҳкам этикод билан бўлади. Аллоҳ таолога ширк келтирган ёки имонида шубҳада бўлган кимса Охират диёрида нажот тополмайди.

Шундай экан, ўзимиз динда билишимиз ва этикод қилишимиз зарур бўлган илмларни ўрганиб, фарзандларимиз ва аҳли оиламизга ўргатишимиз лозим! Фарзандларимиз қалбида Ислом ақидасини мустаҳкам сингдиришимиз даркор! Мана шунда уларга турли хуружлар таъсир қилолмайди. Келажак авлодимиз учун хатарга айланаётган – миссионерлик, даҳрийлик, бесуннатлик (ҳадисни инкор қилувчилар) каби тоифа тарафдорларининг қарашлари ва шубҳалари уларни йўлдан оздиrolмайди!

Ҳозирда ақидамизни ўрганиш учун барча шароитлар мавжуд. Хусусан Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ тартибга солган – Аҳли сунна вал жамоа этикоди бўйича кўплаб китоблар ёзилди, таржималар қилиб, нашр этилди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ушбу ишлар уламоларимиз томонидан изчил давом эттирилмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ақида илми бўйича юртимиздаги ишончли уламоларнинг силсилавий дарслари ижтимоий тармоқлар орқали жойлаб борилмоқда. Бизга ушбу дарсларни тинглаш ёки ёзилган асарларни оила даврасида ўрганишимиз қолди холос.

Мухтарам жамоат! Ақида илмининг асоси – Қуръони карим ва мутаваотир даражасидаги ҳадиси шарифлардир. Турли қиссалар, ҳикоялар ва тўқима ривоятларнинг Ислом ақидасига мутлақо дахли йўқ. Лекин ҳозирда айрим илмсиз кишилар томонидан айнан мана шундай асли йўқ ва тўқима қараш ҳамда тасаввурлардан ўзларига ақида шакллантириб оладилар. Натижада турли хурофотларга ишониб, имонларини хатарга қўядилар.

Қолаверса, бугунги кунда баъзан ўтганларни қабрини зиёрат қилиш асносида қабрдагилардан ёрдам сўраш, қабрни тавоф қилиш, чироқ ёқиш, дарахтларга ип боғлаш каби хурофотларни бажариш ҳолатларига гувоҳ бўлиб қоламиз. Зеро, бу каби нарсаларнинг динимизга мутлақо алоқаси йўқ. Динимизга кўра, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам – фақат Аллоҳ таолодандир! Шариатимизда бу каби амаллардан қайтарилган. Ақидаси мустаҳкам инсон бу каби ишлардан узоқ бўлади.

Мухтарам жамоат! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам умматларининг етмиш уч фирқага бўлиниб кетиши ҳақида хабар бериб, шундай деганлар:

﴿إِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ تَفَرَّقَتْ عَلَى ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ مَلَّةً وَتَفَتَّرِقُ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثٍ وَسَبْعِينَ مَلَّةً كُلُّهُمْ فِي النَّارِ إِلَّا مَلَّةً وَاحِدَةً قَالُوا وَمَنْ هِيَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ مَا أَنَا عَلَيْهِ وَأَصْحَابِي﴾ (رواه الامام الترمذی)

яъни: “Албатта Бани Исроил етмиш икки фирқага бўлиниб кетганлар. Умматим етмиш уч фирқага бўлинади, фақат битта фирқадан бошқа барчаси дўзахда бўлади”, – дедилар. Шунда (саҳобалар): Эй Аллоҳнинг Расули, улар ким? – дейишди. У Зот: “Менинг ва саҳобаларимнинг йўлида бўлганлардир”, – дедилар” (Имом Термизий ривоятлари).

Ушбу ҳадиси шарифда фақат битта тоифа тўғри йўлдан оғишмасдан нажот топишлари хабари берилган. Бу тоифанинг қандай сифатда бўлиши ҳақида бошқа бир ҳадиси шарифда шундай дейилган:

﴿إِنَّ أُمَّتِي لَا تَجْتَمِعُ عَلَى ضَلَالَةٍ فَإِذَا رَأَيْتُمْ اخْتِلَافًا فَعَلَيْكُمْ بِالسَّوَادِ الْأَعْظَمِ﴾ (رواه الامام ابن ماجه)

яъни: “Умматим асло залолат устида жамланмайди. Шунинг учун қачон ихтилоф кўрсаларингиз, “саводул аъзам”ни лозим тутинглар”, деяётганларини эшитдим” (Имом Ибн Можа ривоятлари).

“Саводул аъзам” калимаси “улкан жамоат” маъносини билдиради.

Ислом умматини ҳозирда ва ҳозирга қадар жамлаб келган катта жамоат – айнан Мотуридийлар ва Ашъарийлар ҳисобланишади. Бу Ислом тарихидан барча учун маълум бўлган ва инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир! Ушбу икки буюк уламо ақида бобида Расули акрам алайҳиссалом ва саҳобийи киромлар тутган йўлни кейинги умматга етказишган. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда уларга нисбатан “Аҳли суннанинг имомлари”, дея эътироф этилган. Ақоид илмининг машҳур олимларидан бири Имом Ҳасан ибн Аби Азаба “Равзатул баҳийя” китобларида: “Аҳли сунна вал жамоанинг асоси икки йирик олимга бориб тақалади: бирлари – Имом Абул Ҳасан Ашъарий бўлса, иккинчилари – Имом Абу Мансур Мотуридийдирлар. Ушбу икки Имомдан қайси бирига эргашиш киши борки, ақидасидаги фасоддан, адашишдан саломат бўлибди ва ҳидоят топибди”, – деганлар.

Бугунги кунимизда мусулмон кишини гуноҳи ёки уларнинг янглиш ақидасига эргашмагани сабабли, кофирга чиқарадиган, оят ва ҳадисларни юзаки тушуниб, Аллоҳ таолони бандаларига ўхшатадиган тоифалар ҳам мавжуд. Бу ҳолатга ижтижой тармоқларда таркатилаётган маълумотлар, С.Самарқандий каби айрим

шахсларнинг тарғиботларида гувоҳ бўлиб турибмиз. Уламолар уларни қадимдан “мушаббихалар” ва “мужассималар” деб улардан огоҳлантирганлар. Инсонни куфрда айблаш ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

﴿لَا تَقُولُوا لِمَنْ أَلْقَى إِلَيْكُمُ السَّلَامَ لَسْتَ مُؤْمِنًا﴾

яъни: **“Сизга салом берган кимсага, мўмин эмассан, деманглар”** (Нисо сураси 94-оят).

Демак, Аллоҳ таоло бу ояти каримада шошма-шошарлик билан бировнинг мўмин эмаслиги ҳақида ҳукм чиқариб, иш кўришдан қайтармоқда.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ” деб турган шахсни кофирга чиқариш хатарини бир қанча ҳадиси шарифларида баён қилганлар. Жумладан: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар:

﴿ثَلَاثَةٌ مِنْ أَصْلِ الْإِيمَانِ: الْكَفُّ عَمَّنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُكْفِرُهُ بِذَنْبٍ وَلَا نُخْرِجُهُ مِنَ الْإِسْلَامِ بِعَمَلٍ﴾

(رواه الإمام مسلم عن أنس بن مالك رضي الله عنه).

яъни: **“Уч нарса имоннинг асидандир: “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган кимсага тегмаслик, уни гуноҳи туфайли кофир демаймиз, амали туфайли Ислоддан чиқармаймиз”** (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Яна бир ҳадиси шарифда: **“Ким мўмин кишини кофирга чиқарса, уни ўлдиргандек гуноҳкор бўлади”** (Имом Бухорий ривоятлари).

Шунингдек, ҳозирда яна айрим тоифалар қабр азоби, Қиёматга яқин дажжол чиқиши, Охиратда амаллар мезон (тарози) билан ўлчаниши ҳақидаги шаръий далиллар ва саҳиҳ ҳадисларни инкор қиладилар. Уларни аввалда мўътазила фирқаси инкор қилиб, тўғри йўлдан адашган эди. Умуман олганда бу каби фирқалар ва оқимлар Қиёматгача чиқиб, инқирозга учраб кетаверади. Аҳли сунна вал-жамоа эса Қиёматга қадар давом этади. Бу ҳақда Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам:

﴿لَا تَزَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي ظَاهِرِينَ عَلَى الْحَقِّ، لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَدَّهُمْ، حَتَّى يَأْتِيَ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ كَذَلِكَ﴾ (رواه الامام مسلم).

яъни: **“Умматимдан бир тоифа ҳақда зоҳир бўлган ҳолларида давом этарлар, уларни тарк қилган киши уларга зарар келтира олмас. Аллоҳнинг амри келгунича улар ўша ҳолда бўлурлар”**, – деганлар (Имом Муслим ривоятлари).

Муҳтарам азизлар! Хабарингиз бор, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг музей ва кутубхона фондида Усмон Мусҳафи ва Катта Лангар Қуръони саҳифалари каби қадимий қўлёзмалар сақланади. 2019 йил май ойида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига вақт ўтиши билан таъмирталаб ҳолатга келиб қолган Катта Лангар Қуръонининг саҳифаларини шошилинич равишда реставрацияси ишларини бошлаш зарурлиги маълум қилинди.

Агентлик раҳбарияти, хусусан ўша даврда директор ўринбосари лавозимида фаолият юритган Саида Шавкатовна Мирзиёева вазиятни жойига бориб ўрганди.

Натижада, Франциянинг Лувр музейидан мутахассислар жалб этилди. Улар бошчилигида юртимиздаги реставраторлар ва соҳа мутахассислари билан биргаликда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасининг реставрация лабораториясида 2019 йилнинг ноябрь ойидан 2021 йилнинг май ойига қадар битикни 3 босқичда реставрация қилинди.

Динимизга, муқаддас Китобимизга муносиб эҳтиром кўрсатаётган инсонлар, жумладан Катта Лангар Қуръонини асраб-авайлаш, саҳифаларни тиклаш ишларида

жонбозлик қилганлар ҳаққига дуо қилайлик! Аллоҳ хизматларини қабул қилиб, кўплаб ажру савоблар берсин!

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзи рози бўлган ҳақ йўлида бўлишимизга муваффақ этиб, ақидада адашишдан, турли фирқаларга бўлинишдан паноҳида асрасин! Омин!

Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси **“Силаи раҳм – қариндошлик алоқаларини яхшилаш”** мавзусида бўлади, иншааллоҳ.